

Эгамбердиева Умриниса Турсункуловна  
Ўзбекистон миллий университети,  
“Иқтисодий ва ижтимоий география”  
кафедрасининг доценти.

Аблямитов Шерзод Курбон ўғли  
Ориентал Университети “Тарих” кафедраси  
стажёр ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН ЧЕГАРА ЗОНАСИ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ  
ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

ТРАНСГРАНИЧНЫЙ ТУРИСТИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ УЗБЕКСКО-  
КАЗАХСТАНСКОЙ ПРИГРАНИЧНОЙ ЗОНЫ.

CROSS-BORDER TOURISM POTENTIAL OF THE UZBEKISTAN-  
KAZAKHSTAN BORDER ZONE

**Аннотатсия:** Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг чегараолди ҳудудларидаги туристик салоҳияти, мавжуд туристик объектлар ва улардан фойдаланиш, туристик зоналарнинг инфратузилмаси каби масалаларга эътибор қаратилган. Мавжуд туристик объектлардан самарали фойдаланиш, янги туристик маршрутлар ишлаб чиқиш, ушбу ҳудудларда туристик оқимни ошириш ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** туризм, туристик объект, трансчегаравий туризм, туристик коридор, инфратузилма.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются такие вопросы, как туристический потенциал приграничных территорий Республик Узбекистан и Казахстан, существующие туристические объекты и их использование, инфраструктура туристских зон. Представлены мнения по эффективному использованию существующих туристических объектов, развитию новых туристических маршрутов, увеличению турпотока на этих территориях.

**Ключевые слова:** туризм, туристические объекты, трансграничный туризм, туристический коридор, инфраструктура.

**Annotation:** This article focuses on such issues as the tourist potential of the border areas of the Republics of Uzbekistan and Kazakhstan, existing tourist facilities and their use, infrastructure of tourist zones. Opinions on effective use of existing tourist facilities, development of new tourist routes, increase of tourist flow in these areas are presented.

**Keywords:** tourism, tourist sites, cross-border tourism, tourist corridor, infrastructure.

## КИРИШ

Ўзбекистон туризм соҳасида жуда ҳам улкан салоҳиятга эга бўлишига қарамасдан, узоқ йиллар давомида мавжуд имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланилмади. Туризм ривожини учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмади, ҳамма ўз билганича фаолият юритиб келди. Натижада туризм соҳасида қўрилганидан улкан ютиқларга эришилмади, мавжуд туристик имкониятлардан кенг ва максимал даражада фойдаланилмади.


Қўшни бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг ўта бой тарихга эга эканлиги, кўплаб табиий, тарихий ва маданий туристик

объектларга эга эканлиги, туристик салоҳиятининг юқори эканлиги ҳар иккала мамлакат туризмни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Биламизки, Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан энг узун чегараси айнан Қозоғистон Республикасига тўғри келади (2 203 км). Мана шундай улкан чегара олди ҳудудларида туризмни ривожлантириш орқали ҳар иккала мамлакатнинг туризмни ривожлантириш, янги туристик коридорларни яратиш, чегара олди ҳудудларида инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини ошириш, аҳолини турмуш даражасини янада яхшилаш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, юқори иқтисодий самарадорликларга эришиш каби натижаларга эришиш мумкин. Натижада ҳар иккала мамлакат иқтисодиётида туризм соҳасининг аҳамияти ортиб боради.

Ўзбекистонда 7000 дан ортиқ маданий ва тарихий обидалар мавжуд бўлиб, уларнинг 200 га яқини ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Ушбу ёдгорликлар асосан тўртта қадимий шаҳарларда жойлашган. Қозоғистоннинг ҳам рўйхатда 5 та объекти бор. Улардан учтаси маданий аҳамиятга эга ва яна иккитаси табиий аҳамиятга эга бўлган туристик объектлар ҳисобланади. Булар Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси, Тамғалининг археологик ёдгорлиги, Чанян – Тянь–Шан коридоридаги Буюк Ипак йўли объектлари ҳамда Шимолий Қозоғистоннинг Сариярқо – даштлари ва кўлларида. Яна 13 та объект рўйхатга киритиш учун номзод сифатида эътироф этилган.



**1-расм. “Қозоғистон - Ўзбекистон чегарадош ҳудудларидаги туристик фаолият марказлари ва инфратузилмалар<sup>1</sup>”**

Қуйидаги харитада Қозўғистон ва Ўзбекистон чегарадош ҳудудларидаги туристик фаолият марказлари ва инфратузилмалар, ҳудудларнинг туристик объектлар билан таъминланганлик даражаси, асосий туристик оқим йўналишлари, туристик фаолият марказлари, тугун марказлари, туризм тармоқлари каби бир қанча маълумотлар келтириб ўтилган.

Ушбу харитада чегараолди вилоятлари туристик объектлар билан таъминланганлик даражаси кўра вилоятлар 3 та гуруҳга ажратилган. Бунда:


1. Туристтик объектлар билан таъминланганлик даражаси 100 дан юқори бўлган вилоятлар
2. Туристтик объектлар билан таъминланганлик даражаси 30 – 60 оралиғидаги вилоятлар

<sup>1</sup> Aigul Sergeyeva va boshqalar: “Development of Cross-Border Tourism in Accordance with the Principles of Sustainable Development on the Kazakhstan-Uzbekistan Border”

### 3. Туристтик объектлар билан таъминланганлик даражаси 30 дан паст бўлган вилоятлар

Вилоятлар орасида энг юқори кўрсаткич Қозоғистон Республикасининг Туркистон вилояти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилоятларига тегишли. Ушбу вилоятлар тарихий, маданий ва диний туристик объектлар билан яхши таъминланганлиги, тоғ туризмнинг мавжудлиги, экотуризм билан яхши таъминланганлиги, санатория, курортлар ва даволаш марказларининг кўп эканлиги, йирик туристик фаолият марказларининг мавжудлиги, аҳоли ўтказиш пунктларининг кўп эканлиги билан бошқа вилоятлардан фарқ қилади. Бундан ташқари Тошкент ва Туркистон вилоятларида аҳоли сонининг кўплиги, инфратузилмаларнинг яхши эканлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧЕГАРАОЛДИ ХУДУДЛАРИ ТУРИСТИК ҲАРИТАСИ



2-расм. Тошкент вилояти чегараолди ҳудудлари туристик харитаси.

Ушбу харитада Тошкент вилоятининг Қозоғистон Республикаси билан чегараолди ҳудудларидаги мавжуд асосий туристик объектлар тасвирланган. Харитада бир қанча тарихий ва диний ёдгорликлар, дам олиш ҳудудлари, йирик аҳоли пунктлари, чегарадаги аҳоли ўтказиш пунктлари, халқаро ҳамда ички автомобил ва темирйўллар ва асосий гидрографик объектлар тасвирланган. Ушбу харитадан ҳам кўришимиз мумкинки

вилоятнинг Қозоғистон билан чегараолди ҳудудлари туристик объектлар билан яхши таъминланган. Бунда экотуризм ҳамда диний туризм алоҳида аҳамият касб этади. Вилоятнинг тоғли ҳудудлари алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу ҳудудлар ўзига хос, гўзал ва бетакрор табиий жозибадорлиги билан кўплаб туристлар эътиборини жалб қилмоқда. Айниқса, ёз мавсумида ушбу тоғ ва тоғолди ҳудудларига жуда катта ҳажмда Қозоғистон Республикасидан сайёҳлар ташриф буюради. Вилоятта 4 та аҳоли ўтказиш пунктлари мавжуд. Тошкент вилояти нафақат туристик марказлардан биридир, балки вилоят кўшни мамлакатдан ташриф буюрувчи туристларни бошқа вилоятлар билан боғлаш вазифасини ҳам бажармоқда. Тошкент вилоятида трансчегаравий туризмни янада ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Шундай экан, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда соҳани юқори суръатлар билан ривожлантириш лозим.

Иккинчи гуруҳ вилоятларига эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Қозоғистоннинг Мангистау вилоятлари киради. Бу вилоятларда кўпроқ тарихий, маданий ва диний туризм ҳамда экотуризм яхши ривожланган.

Табиий шароити, аҳолининг жойлашуви ва тарихий – маданий ривожланишига боғлиқ ҳолда энг паст кўрсаткичлар эса Кизилўрда ва Навоий вилоятларига тўғри келади. Бу икки вилоят туристик объектларнинг нисбатан кам эканлиги билан характерланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, чегараолди ҳудудларида туризмнинг ривожланганлик даражаси бир қанча табиий, тарихий ва ижтимоий омилларга боғлиқ равишда ўзгариб боради.

Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг чегарадош ҳамда чегараолди ҳудудларининг мана шундай улкан туристик салоҳиятга эга эканлиги ҳар иккала мамлакат аҳолисининг ҳам эътиборидан четда қолмайди. Мана шундай умумий тарихга эга эканлиги, табиий шароитнинг ўхшашлиги, аҳолининг этник келиб чиқишининг бирлиги омилларга боғлиқ равишда

Қозоғистоннинг жанубий ва Ўзбекистоннинг шимолий чегара ҳудудларида трансчегаравий туризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Бунинг учун албатта сайёҳлар учун барча зарурий шароитларни яратиш, инфратузилмани янада яхшилаш, чегараларда аҳоли ўтказиш пунктларидаги тизимларни соддалаштириш, янги туристик коридорларни ташкил этиш каби чора – тадбирларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек Қозоғистон Республикасининг жанубий қисмлари ҳам бир қанча туристик объектларга эга ҳисобланади. Мамлакат жанубида Жетису (Етти дарё водийси) ўлкаси кўплаб сирларга тўла. Кўп асрлар давомида бу ҳудуд бир қанча қабилаларнинг йўллари кесишган жой бўлган. Натижада Буюк Ипак йўлининг катта қисми ана шу унумдор ерлардан ўтган.

Ҳозирда Жанубий Қозоғистон ҳудудларида сайёҳларга мўлжалланган қулай туристик маршрутларни, ноёб тарихий ва меъморий ёдгорлик мажмуаларини таклиф қилмоқда. Бундан ташқари бугунги кунда Жанубий Қозоғистоннинг маъмурий, маданий ва саноат маркази - Чимкент шаҳри Қозоғистоннинг учинчи йирик шаҳри ҳисобланади. Жанубий Қозоғистон вилояти ўзининг тарихий обидалари – мақбаралар, қадимий манзилгоҳлар ва қадимий шаҳарлар, қалъалари ва бир қанча табиий объектлари билан машҳурдир. Масалан, қадимий Туркистон шаҳри (қадимда Яси) ўтмишда Қозоқ хонлигининг сиёсий, савдо ва маданий маркази бўлган. Бу ерда Эзимхон, Хожа Аҳмад Яссавий (ХИВ аср) ва Султон Ондан мақбаралари ўзининг гўзаллиги ва нафислиги билан сайёҳлар эътиборини жалб қилмоқда. Жанубий Қозоғистон ҳудудларида Хожа Аҳмад Яссавий зиёратгоҳининг мавжудлиги бу минтақада диний туризмнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Чимкент шаҳрининг шарқида жойлашган қадимий Испиджоб шаҳри (ҳозирги номи Сайрам) Иброҳим ота (ХВИИ аср) ва Қорашаш ота (ХВИИ



аср) мақбаралари билан машхур. Ўтрор миллий археология музей - кўриқхонаси ҳам шу ерда жойлашган. У қадимий 12 та ўрта асрларга тегишли бўлган биноларни ўз ичига олади.

Қадимги Сигноқ, Ўтрор шаҳарлари ва қўшни ёдгорликларда олиб борилган археологик изланишлар натижасида кўплаб қимматли ёдгорликлар аниқланган. Булар: Қуйрук тепа, Кўк Мардон, Бобо ота масжиди мақбараси, Бобо Тўқта Шашати Азиз мақбараси (XIX-XX асрлар) , Қорабур мақбараси (XVIII - XIX асрлар), Бадибек ота ва Домалак она мақбаралари. Ордабаси тарихий-маданий кўриқхона зонасида Жанубий Қозоғистоннинг ноёб тарихий ва археологик ёдгорликлари ҳам мавжуд. Булар эса тарихий туризмнинг ривожланишига бевосита хисса қўшмоқда. Шунга ўхшаш тарихий ёдгорликларни кўриш учун ҳар йили минглаб маҳаллий ва хорижий туристлар ташриф буюрмоқда.

Бундан ташқари Орол кўлининг Қозоғистондаги сақланиб қолган қисмига ҳам йилдан – йилга туристик оқим ортиб бормоқда. Кўлнинг Ўзбекистондаги қисмининг куриб қолганлиги, Қозоғистонда эса мавжуд эканлиги ҳар қандай сайёҳнинг қизиқишига сабаб бўлади. Ҳар иккала мамлакатда ҳам Оролбўйи регионида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Қозоғистон Республикаси билан чегарадош бўлган Навоий вилояти ҳам бир қанча туристик объектларга эга ҳисобланади. Вилоят қадимий тарихга эга. Сармишсой дарасидан қимматли археологик топилмалар, Нурота тизмасининг ён бағирида қадимий қоятош расмлари топилган. Вилоятнинг энг гўзал масканларидан бири Айдаркўл гўзаллиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари вилоятнинг Қизилқум чўлларида чўл туризмини ҳам ривожлантириш имконияти мавжуд. Шу каби табиий ва маданий туристик объектлар сайёҳлар эътиборидан четда қолмаяпти. Қолаверса, ушбу ҳудудда туризмнинг бугунги кунда янги ривожланиб келаётган тармоқларидан бири бўлган – чўл туризмини ҳам ривожлантириш мумкин. Лекин ушбу

вилоятдаги инфратузилманинг талаб даражасида эмаслиги ҳамда вилоятда аҳоли ўтказиш пунктларининг йўқ эканлиги, ушбу ҳудудларда туризм соҳасини ривожлантиришга улкан тўсиқ бўлмоқда. Навоий вилоятида ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимдир.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам трансчегаравий туризмни ривожлантириш имконияти мавжуд бўлиб, бунда асосан Оролбўйи регионида ривожлантириш имкониятлари юқори. Бу ерларда инфратузилмани яхшилаш, янги, замонавий меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларини барпо этиш, йўл инфратузилмаларини сифатини ошириш орқали сайёҳлар оқимини ошириш мумкин. Қолаверса бу орқали ўта оғир экологик ҳолатда яшовчи Оролбўйи аҳолисининг ҳам иқтисодий ва ижтимоий ҳолат анча яхшиланиши мумкин. Мана шундай улкан салоҳиятга эга бўлган трансчегаравий ҳудудларда туризмни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири десак янглишмаган бўламиз.

Бу икки мамлакатнинг мана шундай улкан туристик салоҳияти мамлакатлар хўжалигининг ажралмас қисми ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдувоҳидов С., Қутлимуротов Ф. Туризм иқтисоди. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 160 б.
2. Болтабаев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров В.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2018.
3. И.Ш. Эгамбердиева. Экотуризм. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан зиёси”. 2021. – 235 б.